22 ФЕВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (20. 612) • 1990 йил 22 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ «Правда» газетаси мухбири саволларига жаваблари

Савол. Газетхонлардан Германияни бирлаштириш тўғрисидаги масала хусусида тушунтириб беришни сўраган мактублар редакцияга ҳамон келиб турибди. Маълумки, Ғарбда ҳам бу хусусда, жумладан, Сизнинг канцлер Г. Коль билан учрашувингиз якунларига доир кўпгина турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Сиз шу муносабат билан нималар дея оласиз?

Жавоб. Масала ҳақиқатан ҳам ғоят муҳим бўлиб, ҳозирги халқаро сиёсатдаги энг асосий масалалардан биридир. Мен бу борада икки жиҳатни ажратиб кўрсатган бўлур эдим.

Биринчиси — бу немисларнинг бирлашишга бўлган ҳуқуқи. Биз бу ҳуқуқни ҳеч қачон инкор этмаганмиз. Шунинг учун ҳатто халқимизга мисли кўрилмаган ғам-андуҳ келтирган, унинг айбдорларига нисбатан табиий қаҳр-ғазаб уйғотган ва ғалабадан қонуний фахрланишимизга сабаб бўлган урушдан кейинроқ Совет Иттифоқи Германиянинг бўлиб юборилишига қарши чиққан эди. Германияни бўлиб юбориш ғояси биздан чиқмаган ва кейинчалик «совуқ уруш» шароитида воқеалар қай тарика ривожланганлиги учун биз жавобгар эмасмиз.

Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтишим мумкин: Совет ҳукумати ГДР билан биргаликда ҳатто иккита Герман давлати пайдо бўлганидан кейин ҳам Германия бирлиги принципини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни давом эттирди. 1950 йилда СССР ГДРнинг умумий Герман давлатини тиклаш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. 1952 йилнинг 10 мартида Совет ҳукумати Германияни ягона демократик ва бетараф давлатга бирлаштириш режасини ўртага қўйди. Ғарб бу таклифни ҳам рад этди. 1954 йилда ташқи ишлар министрларининг Берлинда бўлиб ўтган кенгашида биз яна қуролсизлантирилган ягона Германияни барпо этишни таклиф қилдик. Яна рад жавоби олдик. Орадан бир йил ўтгач, 1955 йилнинг 15 январида Совет ҳукумати эркин сайловда сайланадиган ҳукуматга эга бўладиган ва у билан тинчлик шартномаси тузиш мумкин бўлган ягона Германияни барпо этиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйди. Бу таклиф ҳам жавобсиз қолди. 1957—1958 йилларда Германия конфедерациясини тузиш тўғрисида ГДР ўртага қўйган ва биз фаол қўллаб-қувватлаган таклиф ҳатто кўриб чиқилмади. Шундан кейинги 1959 йилда тўрт буюк давлат ташқи ишлар министрларининг кенгашида Совет Иттифоқи ҳарбий-сиёсий гуруҳларга кирмайдиган, аммо муайян ҳарбий потенциалга эга бўладиган ягона бирлашган Германия билан тинчлик шартномаси тузиш тўғрисидаги янги таклифни ўртага қўйди. Яна натижа бўлмади.

СССР Москва шартномаси тузилган чоғда ҳам келгусида Германиянинг бўлиниши бартараф этилишини истисно қилмади. Ҳукуматимиз «Германия бирлиги тўғрисидаги мактублар»ни қабул қилганлиги бунинг далилидир. Мана шу мактублардан кейин Брандт ва Шеель ушбу шартномани имзолаган эдилар.

Фактлар ана шундай.

Кўриб турибсизки, бу масала биз учун янги эмас. Биз тарих тақозоси билан икки Герман давлати пайдо бўлганлигига асосландик. Мен бу ҳақда бир неча бор ошкора ҳам, немис сиёсий арбоблари билан мулоқотларда ҳам гапиришимга тўғри келган ва пировардида немис миллати мавжудлигининг давлат шакли қандай бўлиши кераклигини тарих кўрсатади. Мана тарих кутилмаганда бу масалани тез ўртага қўйди. Бундай шароитда биз немисларни бирлаштириш қайси муддатда ва қандай шаклда бўлишини уларнинг ўзлари белгилашлари зарурлигини яна бир бор тасдиқладик. Х. Модров билан бўлиб ўтган суҳбатларда ана шу ҳақда гап борди. Аммо бу муаммонинг бир томони, холос ва суҳбатларда фақат шу тўғридагина гаплашиб олингани йўқ.

Савол. Сиз нимани назарда тутяпсиз?

Жавоб. Энг аввало Германияни бирлаштириш фақат немисларгагина тааллуқли эмас. Уларнинг мана шу миллий ҳуқуқини қанчалик ҳурмат қилмайлик, вазият шундайки, немислар ўзаро келишиб, сўнгра бошқаларга улар қабул қилиб бўлган қарорларни маъқуллашнигина таклиф этишларини тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай муҳим жиҳатлар борки, халқаро ҳамжамият улар ҳақида билишга ҳақлидир ва уларда икки хил фикрга ўрин бўлмаслиги зарур.

Сўнгра ГФР билан ГДРни яқинлаштириш жараёнининг ўзи ҳам, ягона Германия ҳам қўшни мамлакатларнинг миллий манфаатларига ва умуман ҳеч кимга хавф-хатар ҳам, зарар ҳам етказмаслиги зарур. Бошқа давлатларнинг чегараларига ҳар қандай ҳамла ҳам истисно этилади, албатта.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида таркиб топган чегараларнинг бузилмаслигидан ташқари, бу энг муҳимидир, урушнинг бошқа оқибатлари ҳам бор. Тўрт буюк давлатнинг масъулиятини ҳеч ким бекор қилмаган. Бу масъулиятни уларнинг ўзларигина ўзларидан соқит қилишлари мумкин. Германия билан тинчлик шартномаси ҳали тузилмаган. Ана шундай шартномагина халқаро ҳуқуқ-тартибида Германиянинг Европа структурасидаги мақомини узил-кесил белгилаб бериши мумкин.

Узоқ вақт давомида қандай бўлмасин, хавфсизлик икки ҳарбий-сиёсий иттифоқ — Варшава шартномаси ташкилоти билан НАТО мавжудлиги туфайли сақлаб турилди. Европада хавфсизликнинг принципиал янги системасини шакллантириш учун эндигина замин яратилмоқда. Шунинг учун ҳам ана шу иттифоқларнинг роли сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки қуролли муҳолифлик даражаси пасайиб, хавфсизликнинг ҳарбий жиҳати сусайтирилиб, иттифоқлар фаолиятининг сиёсий жиҳатлари кучайтирилиб борган сайин уларнинг роли анча янгиланмоқда. Демак, Германияни қайта бирлаштириш ана шу ҳолатларга, айнан ана шу икки халқаро ташкилотнинг ҳарбий-стратегик мувозанати бузилишига йўл қўймасликка асосланиши даркор. Бу борада ҳамма нарса равшан бўлиши зарур.

Ва ниҳоят, сўнгги жиҳат. Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Германияни бирлаштириш жараёни Умумевропа жараёни билан, унинг асосий йўли — Европа хавфсизлигининг блоклар ўрнини эгаллайдиган принципиал жиҳатдан янги структурасини шакллантириш билан узвий боғланган ва бу жараён билан баб-баравар амалга оширилиши лозим.

Савол. Маълумки: Оттавада ташқи ишлар министрлари Германия масаласини СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР ва ГДР иштирокида муҳокама қилиш воситаси тўғрисида келишиб олдилар. Ана шу воситанинг ролини қандай тушуниш мумкинлигини изоҳлаб берсангиз.

Жавоб. Ҳақиқатан ҳам Германия масаласини юқорида тилга олинган олти давлат ўртасида муҳокама қилишнинг муайян шакли тўғрисида гап бормоқда. Зотан, бундай муҳокама воситаси тўғрисидаги ғоя Москвада ҳамда Ғарб пойтахтларида бир вақтнинг ўзида ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келди. Биз Х. Модров билан бу ҳақда гаплашиб олдик. Ҳар хил «устун жиҳатлар»га таяниш ўринли бўлмаса керак.

Унинг ҳуқуқий негизи уруш якунлари билан, Германиянинг жаҳонда келгусидаги ўрни учун тўрт буюк давлатнинг масъулияти билан боғлиқдир. Шу билан бирга мазкур ғоя ўша пайтдан бери Европада ва жаҳонда, иккала герман давлатида рўй берган жуда катта ўзгаришларни ҳам ҳисобга олади, шунинг учун уларни шартли равишда «2 плюс 4» деб аталган ана шу восита формуласига киритади.

Вазифа Германияни қайта бирлаштиришнинг барча ташқи жиҳатларини ҳар томонлама ва босқичма-босқич муҳокама қилишдан, масалани Умумевропа жараёнига киритишга ва келгусида Германия билан тузиладиган тинчлик шартномаси негизларини кўриб чиқишга тайёрлашдан иборат. Айни пайтда бундай маслаҳатлашувларнинг самарали ва нуфузли бўлиши барча қатнашчилар ўртасидаги ишонч ва ошкоралик даражасига боғлиқ бўлади. Ўз-ўзидан равшанки, суверен давлатлар ҳар қандай мулоқотларни, жумладан Германия масаласи хусусидаги мулоқотларни икки томонлама асосда ва бошқа ҳар қандай асосда амалга оширишлари мумкин. Аммо биз уч ёки тўрт давлат дастлаб ўзаро келишиб олиб, сўнгра бошқа қатнашчиларга олдиндан келишиб олинган нуқтаи назарни тиқиштирадиган бундай ёндашувни истисно этамиз. Бу мақбул эмас.

Савол. Бундай тартибда урушда қатнашган бошқа мамлакатларга нисбатан камситиш жиҳати йўқми?

Жавоб. Ўринли савол. Айни шунинг учун ҳам биз тўрт буюк давлатнинг тарихан боғлиқ бўлган ҳуқуқларини камайтирмай, «2 плюс 4» воситасини Умумевропа жараёни билан боғлаяпмиз. Айни пайтда мазкур формулада қайд этилган бошқа мамлакатларнинг алоҳида манфаатини, демак, уларнинг ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний ҳуқуқини назарда тутяпмиз. Мен энг аввало Польшани — унинг урушдан кейинги чегаралари бузилмаслигини, бу чегаралар бошқа давлатларнинг чегаралари сингари гарантияланган бўлишини назарда тутяпман. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатгина шундай гарантия бўлиши мумкин.

Савол. Европа марказида ягона герман давлати юзага келиши истиқболлари хусусида совет кишилари, шунингдек Европадаги бошқа халқлар муайян даражада хавотирланаётганини сиз қандай баҳолайсиз?

Жавоб. Немис халқи Гитлер ҳукмронлиги ва иккинчи жаҳон уруши тажрибасидан сабоқ чиқариб олганлигини рад этиб бўлмасада, ҳам тарихан, ҳам психологик жиҳатдан бундай хавотирлик тушунарлидир. Ҳар иккала герман давлатида Германиянинг жаҳондаги ролига, айтайлик, сўнгги юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ва айниқса, нацизм давридагидан бошқача қарайдиган янги авлодлар вояга етди. ГФР ва ГДР жамоатчилигигина эмас, шу билан бирга расмий, давлат даражасида неча боғ бутун дунё олдида немислар диёридан ҳеч қачон уруш чиқмаслиги керак, деб айтилганлиги ҳам муҳимдир, албатта. Г. Коль эса мен билан суҳбатда бу формуланинг немислар диёридан фақат тинчлик чиқиши зарур, деган янада масъулиятли талқинини баён этди.

Бу борадаги фикрлар ана шундай. Бироқ ўтмишда Германияда вужудга келган салбий потенциални назар-писанд қилмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бунинг устига уруш тўғрисидаги, унинг даҳшатлари ва етказган маҳрумликлари тўғрисидаги халқ хотирасини ҳисобга олмай бўлмайди. Шунинг учун немислар бирлашиш тўғрисидаги масалани ҳал этар эканлар, ўз масъулиятини ва бошқа халқларнинг манфаатларинигина эмас, айни пайтда туйғуларини ҳам ҳурмат қилишлари зарурлигини ёдда тутишлари ғоят муҳимдир.

Бу айниқса бизнинг мамлакатимизга, совет халқига тааллуқлидир. Совет халқи немисларнинг бирлашишидан мамлакатимиз маънавий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам зарар кўрмаслиги учун ва ниҳоят, бизларнинг ёнма-ён яшашимизни тақозо этган, халқларимиз ўртасида ўзаро алоқа ва чуқур манфаатдорлик ришталарини боғлаган, баъзан фожиали тўқнашувларда тақдиримизни бирлаштирган ва янги давр шароитида бизларнинг бир-биримизга ишонишимизга ва самарали ҳамкорлик қилишимизга имкон берадиган тарихнинг эзгу «нияти» рўёбга чиқарилишига умид боғлаш ва шундай имконият учун курашишдек дахлсиз ҳуқуққа эгадир.

Савол. СССР ва АҚШнинг Марказий Европадаги қўшинлар сонини 195 минг киши даражасигача қисқартириш тўғрисида яқинда Оттавада эришилган аҳдлашувни қандай баҳолаш мумкин?

Жавоб. Бу аҳдлашувни муҳим ва ижобий, деб ҳисоблайман. АҚШ Президенти Жорж Буш ташаббус кўрсатди. Аммо бу ташаббуснинг ўзи халқаро вазият соғломлашаётган ва Мальтадаги учрашув натижасида янги кучли омил бахш этилган Совет—Америка муносабатлари яхшиланаётган вазият туфайли юзага келди. Ж. Бушнинг таклифи Европада қуролли кучлар ва оддий қуролларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокаралари руҳига мос келади. Шунинг учун биз бу таклифни пухта таҳлил этиб, ижобий жавоб қайтардик ва ҳатто янада туб вариантни: 195 минг кишини Марказий Европа учун эмас, балки СССР чегарасидан ташқаридаги бутун Европа учун таклиф этдик. Аммо Президент таклиф этган вариант ҳам мақбул эканлигини шу заҳотиёқ айтдик.

1995—1996 йилларга бориб, барча қўшинларни ўз миллий чегараларига қайтариш, 2000 йилга бориб эса барча чет эл ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисидаги программавий таклифларимиз маълум. Венгрия ва Чехословакиядан қўшинларимизни олиб чиқиб кетиш тўғрисида ҳозирдаёқ ана шу мамлакатларнинг ҳукуматлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Хуллас, АҚШ ва СССРнинг Марказий Европадаги ҳарбий иштирокини қисқартириш тўғрисидаги аҳдлашув халқаро тараққиётнинг асосий йўналишига тўла-тўкис мос келади, тинчлик ишига хизмат қилади.

Савол. Аҳдлашувни рўёбга чиқариш учун Совет Иттифоқи Қўшма Штатларга қараганда кўпроқ қўшинини қисқартиришига тўғри келади. Бунинг устига, АҚШ Европанинг марказий қисмидан ташқарида яна 30 мингга яқин кишини қолдиради. Бу кучлар мувозанатига, хавфсизлигимизга таъсир қилмайдими?

Жавоб. Мен қисқа қилиб, йўқ, деб жавоб қайтаришим мумкин эди. Бироқ, савол, эҳтимол, бирмунча кенг жавоб қайтаришни тақозо этар.

Биз ҳозир ҳам ҳарбий имкониятлар нисбатини ҳисоблаб чиқяпмиз, албатта. Лекин ҳарбий кучни ошириш йўли билан устун даражада хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар эскирди. Давлатлараро мулоқотнинг янгича тусда эканлиги, музокара жараёнининг барқарорлиги сиёсий омилларни бу соҳада ҳам янада салмоқли қилди. Реал ҳарбий хавф анча пасайганлиги, халқаро хавфсизликнинг принципиал жиҳатдан янги системаси таркиб топиш жараёни бораётганлиги сингари қудратли кучлар жаҳон ва Европа сиёсатига кириб келди.

Совет—Америка аҳдлашуви Венада битим ишлаб чиқилишини анча енгиллаштиради. Мазкур битимни шу йилнинг охирида Умумевропа учрашувида имзолаш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайман.

Ишнинг бутунлай ҳарбий жиҳатига келганда, биз буни пухта таҳлил этдик, бугунги кунда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, мамлакатимиздан ташқаридаги қуролли кучларни қисқартириш мудофаа қобилиятимизни сусайтирмайди. Мудофаа қобилиятимиз зарур даражада сақланади.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

МУРОЖААТНОМА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

20 февраль куни СССР Олий Советининг учинчи сессиясида СССР ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасининг жума куни бошланган иккинчи муҳокамаси якунланди.

Депутатлар кўпчилик овоз билан иккинчи марта муҳокама қилиниб, кўриб чиқилган лойиҳани маъқулладилар. Қишлоқ Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитетига ҳамда Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига бошқа барча комитетлар ҳамда палаталарнинг доимий комиссиялари вакиллари иштирокида СССР халқ депутатлари айтган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, бир ҳафта муддат ичида лойиҳани қайта ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш учун СССР Олий Советига тақдим этиш топширилди.

Сессия қатнашчилари СССР Олий Советининг Мурожаатномасини қабул қилдилар. Бу ҳужжатда, жумладан, қуйидагилар таъкидланди: Олий Совет СССР ҳукумати, жойлардаги халқ депутатлари Советлари зиммасига ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш учун барча зарур чораларни кўришни юклайди.

Шундан кейин ялпи мажлис ёпилди. Ҳафта охиригача депутатлар комитетлар ва комиссияларда ишлайдилар. 26 февраль куни улар яна Кремлда тўпланадилар. Палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлислари бўлади.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Бир қанча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, жумладан турлича, баъзан эса бир-бирига зид позициялардаги ана шундай ташкилотлар ва ҳаракатлар 25 февраль куни Москвада, Ленинградда, Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларида намойишлар ва митинглар ўтказишга даъват этмоқдалар. Кўпчилик совет кишилари оммавий митинглар ва юришларга бунёдкорлик ва демократияга сирасира алоқаси бўлмаган мақсадларни кўзлаётган экстремистлар ва ҳатто жиноятчи унсурлар қўшилиши мумкин, деб хавотир бўлмоқдалар.

СССР Олий Совети СССР ҳукумати, жойлардаги халқ депутатлари Советлари зиммасига ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш учун барча зарур чораларни кўришни юклайди. Фақат ижозат берилса ва ўтказиладиган жойи аниқ кўрсатилган бўлсагина, митинглар ва намойишларни ўтказиш мумкин. Қонун-қоида бузилгудек бўлса, бундай ҳолларнинг пайи қатъият билан қирқилиши керак.

Қайта қуриш ва демократияни қонун ёрдамида ишончли ҳимоя қилиш зарур.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида

21 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари чиқарилди. Комиссия раиси Т. Ҳ. Собитов ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протоколларни кўриб чиқиб, 1990 йил 18 февралда сайланган 368 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутатини рўйхатга олди. Сайлов якунлари тўғрисидаги хабар ва сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги протоколларни кўриб чиқиб, сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига сайловчилар рўйхатига 10035180 киши киритилганлигини, овоз беришда 9385740 киши ёки 93,5 фоизи қатнашганлигини маълум қилади.

Қорақалпоғистон АССРда овоз беришда сайловчиларнинг 98,3 фоизи, Андижон областида — 96,1 фоизи, Бухоро областида — 92,6 фоизи, Қашқадарё областида — 96,0 фоизи, Наманган областида — 98,1 фоизи, Самарқанд областида — 95,5 фоизи, Сурхондарё областида — 95,0 фоизи, Сирдарё областида — 97,6 фоизи, Тошкент областида — 91,4 фоизи, Фарғона областида — 95,3 фоизи, Ҳоразм областида — 97,3 фоизи ва Тошкент шаҳрида — 80,5 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун 500 та сайлов округи тузилган эди. Уларда 1094 депутатликка номзод овозга қўйилди. Шундан сайлов бюллетенига 174 округда биттадан номзод, 177 округда иккитадан номзод, 149 округда учта ва ундан кўпроқ номзод киритилган эди.

499 та сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 368 округда халқ депутатлари сайланди. Ҳар бирида иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 95 округда Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Депутатликка 1-2 номзод овозга қўйилган 36 сайлов округида номзодлар сайловчилар овозининг зарур миқдорини ололмадилар ва депутатликка сайланмадилар. Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига асосан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди. Ҳаммаси бўлиб 368 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутати сайланди. Сайланган депутатлар орасида: хотин-қизлар — 42 нафар ёки 11,4 фоиз; эркаклар 326 нафар ёки 88,6 фоиз; ишчилар — 50 нафар ёки 13,6 фоиз; колхозчилар — 25 нафар ёки 6,8 фоиз. Депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар — 348 нафар ёки 94,6 фоиз; партиясизлар — 20 нафар ёки 5,4 фоиз.

Давлат ҳокимиятининг олий органига республикамизда яшовчи 17 миллатга мансуб гражданлар сайланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови партия белгилаб берган сиёсий ислоҳотни амалга оширишда катта қадам, демократияни янада ривожлантиришнинг далили, қайта қуриш йўлидан бораётган республиканинг сиёсий ва ижтимоий турмушида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Маълумки, сўнгги йилларда республикада бинокорлик материалларининг кўпгина турлари — цемент, ғишт, оҳак, гипс ва бошқалар етишмаяпти. Шу сабабли баъзан уй, болалар боғчалари, мактаблар қуриш, чоғроқ корхоналарни барпо этиш ёки квартирани ремонт қилиш ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога айланмоқда. Натижада аҳолини ишга жойлаштириш ва унинг эҳтиёжлари, шунингдек корхоналар, ташкилотларнинг материалларнинг зарур турларига эҳтиёжларини қондиришда қўшимча қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Бинобарин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 21 февраль куни бўлган мажлисида республикада бинокорлик материаллари ҳамда уйжойлар учун жиҳозлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар батафсил ва талабчанлик билан муҳокама қилинганлиги тасодиф эмас. Муҳокама кескин ўтди, кўп баҳсларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми 1991—1995 йилларда Ўзбекистон ССРда бинокорлик материаллари ва уйларни жиҳозлаш учун зарур буюмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш программасини тасдиқлади. Программада 50 дан ортиқ номдаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш кўзда тутилган. Чунончи, 1990—1991 йиллардаёқ цемент ишлаб чиқариш 280 минг тонна, пардозлаш учун сопол қошинлар ишлаб чиқариш 380 минг квадрат метр, линолеум ишлаб чиқариш 2 миллион квадрат метр, ғишт ишлаб чиқариш 480 миллион дона, оҳак ишлаб чиқариш 44 минг тонна кўпаяди ва ҳоказо. XIII беш йиллик охирига бориб, цемент ва оҳак ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати деярли икки баравар, шифер, қум ва шағал, ошхона раковинаси ва идиш ювадиган раковина, керамзит ишлаб чиқариш қувватлари 1,5 баравар, линолеум ва қурилиш гипси ишлаб чиқариш қуввати 3,9 баравар, ғишт, уйларнинг олди томонига ишлатиладиган қошинлар, санитария-қурилиш фаянси ишлаб чиқариш қувватлари 1,7-1,8 баравар, пардозлаш қошинлари ишлаб чиқариш қувватлари 2,8 баравар ортади. Бу эса маҳаллий қурилиш материалларининг кўпгина турларига эҳтиёжни тўла таъминлаш, бошқа (цемент, радиатор ва бошқалар) материаллар камчиллигини анча қисқартириш имконини беради.

Белгиланган программани бажариш учун кўп капитал маблағ сарфлаш талаб қилинади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми республика министрликлари ва идоралари, Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар зиммасига бинокорлик материаллари тармоғини ривожлантиришда улушбай асосида иштирок этиш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига, республика Давлат моддий-техника таъминоти комитетига, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари комитетига йиллик планларда цемент, ғишт, оҳак, гипс, пардозлаш қошинлари ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш ва реконструкциялаш топшириқларини бажариш учун министрликларга, идораларга моддий ресурсларни биринчи навбатда ажратишни кўзда тутиш топширилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига мазкур мақсадлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини биринчи навбатда ҳал этиш, қурилишларнинг адреси рўйхатларини аниқлашда министрликлар ва идоралар билан биргаликда атроф-муҳитни ва экология вазиятини муҳофаза қилиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва объектларни хом ашё манбаларига яқинлаштириш муҳимлигини ҳисобга олиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми тасдиқланган топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш энг муҳим ва муштарак вазифа эканлигини таъкидлади. Министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари барча куч-ғайратларини тасдиқланган программани сўзсиз бажаришга қаратишлари зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КЎЧА ЮРИШЛАРИ ВА НАМОЙИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг 1990 йил 20 февралдаги Баёнотига мувофиқ, шунингдек меҳнаткашларнинг қаттиқ жамоат тартиби ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги талаблари муносабати билан ҳамда намойишлар ва юришларга экстремистлар ва жиноятчи унсурлар қўшилиши мумкинлигини, бу эса, ўз навбатида, демократияга қарши хатти-ҳаракатларга, ур-йиқитларга, ўт қўйишларга, зўравонлик ва одамларга қўпол тарзда тажовуз ўтказишга, уларни қўрқитиш фактларига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Республикадаги ижтимоий, снёсий вазият барқарор бўлишига қадар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказишга вақтинча рухсат берилмасин, ижозат берилган митинглар ва йиғилишлар эса белгиланган тартибда ва фақат бинолар ичида ўтказилсин.

Мазкур Фармонни бузганлик учун амалдаги қонунларда кўзда тутилганига мувофиқ жавобгар қилинади.

2. Халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари оммавий тадбирлар ўтказишни тартибга солувчи қарорларга тегишли ўзгартишлар киритсинлар.

3. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари барча жамоат ташкилотлари, жумладан норасмий ташкилотлар билан бевосита алоқа ўрнатсинлар ва ўтказилаётган йиғилишлар ҳамда митинглар кераксиз, ижтимоий-сиёсий кескинликни вужудга келтирмаслигига ва ҳар қандай салбий кўринишларнинг олди олинишига ўзаро мақбул асосда эришсинлар.

4. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

Б. БУГРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,

1990 йил, 21 февраль.

1990 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ КУНИ САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Абдувосиқов Абдуманноп Абдувосиқович — Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Олмалиқ шаҳри, Тошкент область 63-Олмалиқ сайлов округидан.

Абдужабборов Худойберди — Бўка районидаги Партия XIX съезди номли колхоз пахтачилик бригадасининг бригадири КПСС аъзоси Бўка райони, Тошкент область 91-Бўка сайлов округидан.

Абдуллаев Наби — Ўйчи районидаги Ленин номли колхоз раҳбаренисининг раиси, КПСС аъзоси, Ўйчи районидаги Ўйчи шаҳар посёлкаси, Наманган область 266-Ўнҳаёт сайлов округидан.

Абдуллаев Раҳматилло Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комиссиясининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Сирдарё область 376-Пахтакор сайлов округидан.

Абдуллаев Усмон — 131-мактаб ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 62-Мевазор сайлов округидан.

Абдураҳмонов Пўлат Мажидович — Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 310-Челек сайлов округидан.

Абдураҳмонов Тошпўлат — Олтинсой районидаги «Сахарний тростник» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Олтинсой районидаги Қумпайкал қишлоғи, Сурхондарё область 352-Олтинсой сайлов округидан.

Аветисов Аркадий Абрамович — Риштон агросаноат комбинатининг бош директори, КПСС аъзоси, Риштон районидаги Риштон шаҳри, Фарғона область 433-Риштон сайлов округидан.

Агабабян Рубен Джангирович — Каттақўрғон чорвачилик-саноат комплексининг директори, КПСС аъзоси, Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд область 298-Каттақўрғон сайлов округидан.

Адаманов Осман Курт — Сентович — Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Самарқанд область 325-Жом сайлов округидан.

Азимов Исматулло Шукурович — «Ўзбекгаз» бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Андижон область 157-Ҳақиқат сайлов округидан.

Айдарқулов Абдухолиқ Абдураҳмонович — халқ депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Сирдарё область 378-Чимқўрғон сайлов округидан.

Айхўжаев Жалгас Омербекович — Учқудуқ районидаги «Мингбулоқ» совхозининг бош чўпони, КПСС аъзоси, Учқудуқ районидаги Мингбулоқ қишлоғи, Бухоро область 202-Учқудуқ сайлов округидан.

Акбаров Рустам Раҳбарович — Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз правлениясининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона область 401-Темир йўл сайлов округидан.

Аленсов Борис Николаевич — ҳарбий хизматчи КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Андижон область 122-Вилдин сайлов округидан.

Акмалхонов Шавкат — ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё область 212-Оқтош сайлов округидан.

Акромов Файзулло — СССР 60 йиллиги номли шойи тўқиш фабрикасининг директори, Косонсой шаҳри, Наманган область 247-Косонсой сайлов округидан.

Алиев Бурхон Қосимович — «Главташкентстрой»нинг Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 52-Шумилов сайлов округидан.

Алимов Абдуғафур Абдуллаевич — Боёвут районидаги «Боёвут» совхози партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Боёвут райони, Сирдарё область 381-Димитров сайлов округидан.

Алимов Мухтор — Андижон область молия бошқармасининг мудири, КПСС аъзоси, Андижон шаҳри, Андижон область 140-Қатортол сайлов округидан.

Аликулов Абдумуталиб Маҳкамович — Керамика комбинати директорининг маиший ва социал масалалар бўйича ўринбосари, КПСС аъзоси, Ангрен шаҳри, Тошкент область 66-Энергетика сайлов округидан.

Амирқулов Қурбон — Гагарин донни қайта ишлаш комбинатининг директори, КПСС аъзоси, Гагарин райони, Сурхондарё область, 338-Янгиобод сайлов округидан.

Антонова Елена Петровна — «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси электротехника асбоблари ва тармоқларининг монтажчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 1-Саноат сайлов округидан.

Асепков Юрий Асралович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 28-Пролетар сайлов округидан.

Аслонов Ғани Ғафурович — Ромитан район марказий касалхонаси жарроҳлик бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Ромитан районидаги Ромитан шаҳри, Бухоро область 197-Ромитан сайлов округидан.

Асқаров Аҳмадали — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тил ва адабиёт бўлимининг академик-секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Наманган область 259-Норинкапа сайлов округидан.

Асқаров Озод Ҳожиевич — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 43-Сергели сайлов округидан.

Афанасьев Петр Степанович — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг бош метрологи, КПСС аъзоси, Чирчиқ шаҳри, Тошкент область 74-Пролетар сайлов округидан.

Аъзамов Воҳид Нормаматович — Бойсун автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Бойсун районидаги Бойсун шаҳри, Сурхондарё область 333-Бойсун сайлов округидан.

Аҳмаджонов Убайдулло Мирзаабдуллаевич — Чадак олтин саралаш фабрикасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Наманган областидаги Олтинкон посёлкаси, Наманган область 260-Ғурумсарой сайлов округидан.

Баратов Абиер Джаунбоевич — Маржонбулоқ олтин кони автотранспорт цехининг ҳайдовчиси, КПСС аъзоси, Ғаллаорол райони, Сирдарё область 368-Қўйтош сайлов округидан.

Баркашев Турсунбой — Киров районидаги «Бешариқ» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Киров районидаги Иттифоқ қишлоғи, Фарғона область 427-Бешариқ сайлов округидан.

Баҳриев Карим Ҳакимович — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири, Тошкент шаҳри, Самарқанд область 327-Қуйиқишлоқ сайлов округидан.

Беккелдиев Шоди Ўрозович — Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз директори, КПСС аъзоси, Шеробод райони, Сурхондарё область 335-Шеробод сайлов округидан.

Бекмуротов Тоир Тўхтамуротович — Каттақўрғон ёг-мой комбинатининг электр пайвандчиси, КПСС аъзоси, Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд область 299-Комбинат сайлов округидан.

Бекнонов Жўра Назарович — Ангор районидаги Куйбишев номли колхоз механизатори, КПСС аъзоси, Ангор райони, Сурхондарё область 341-Навоий сайлов округидан.

Белогуров Николай Андреевич — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона область 401-Темир йўл сайлов округидан.

Белоусов Борис Николаевич — ҳарбий хизматчи КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Андижон область 122-Вилдин сайлов округидан.

Берданов Джучинисбой — 40-автокорхона ҳайдовчиси, КПСС аъзоси, Чимбой шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 497-Чимбой шаҳар сайлов округидан.

Бердиев Ҳаким Эшбоевич — Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё область 361-Ленин йўли сайлов округидан.

Бернаев Чўлмурод — Усмон Юсупов районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг чўпони, КПСС аъзоси, Усмон Юсупов районидаги Помуқ қишлоғи, Қашқадарё область 229-Баҳористон сайлов округи.

Бибиков Игорь Анатольевич — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Андижон область 121-Темир йўл сайлов округидан.

Бобожонов Тошпўлат Лепесович — «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Оржоникидзе райони, Тошкент область 103-Қибрай сайлов округидан.

Бобомуродов Очилди Бердиевич — Денов районидаги И. Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Денов районидаги Қоракўз қишлоғи, Сурхондарё область 353-Хазарбоғ сайлов округидан.

Бобомуродова Сайёра Яҳёевна — Ғаллаорол паррандачилик фабрикасининг паррандабоқари, КПСС аъзоси, Ғаллаорол райони, Сирдарё область 367-Ғаллаорол сайлов округидан.

Бобоноров Тифли — Пастдарғом районидаги ВЛКСМ 60 йиллиги номли совхоз директори, КПСС аъзоси, Пастдарғом райони, Самарқанд область 315-Калинин сайлов округидан.

Бобохонов Тилаболди — Ўзбекистон Компартияси Қўрғонтепа район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Қўрғонтепа шаҳри, Андижон область 146-Қўрғонтепа сайлов округидан.

Бозорбоев Жуманазар — Қорақалпоғистон АССР халқ таълими министри, КПСС аъзоси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 486-Қораўзак сайлов округидан.

Болтаев Тошпўлат — Навоий районидаги «Гигант» совхозининг бош агрономи, КПСС аъзоси, Навоий райони, Бухоро область 194-Навбаҳор сайлов округидан.

Ботирқулова Сожира — Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозининг бригадири, Учқўрғон шаҳри, Наманган область 269-Қўғай сайлов округидан.

Боқибоев Эркин Жўраевич — «Узагропромбанк» правлениясининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Сурхондарё область 346-Сурхон сайлов округидан.

Бугров Борис Иванович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 483-Қўнғирот сайлов округидан.

Бурхонов Йўлдошхон Эшонхонович — 2508-автоколоннасининг ҳайдовчиси, КПСС аъзоси, Андижон райони, Андижон область 123-Калинин сайлов округидан.

Бурхонов Икромжон Ғуломович — Андижон гидромелиорация техникуми директорининг ўринбосари, Марҳамат райони, Андижон область 153-Марҳамат сайлов округидан.

Бурхонов Эдибой Аъзамович — Ленин районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси, КПСС аъзоси, Ленинск шаҳри, Андижон область 151-Мустаҳкам сайлов округидан.

Васин Валентин Анатольевич — ҳарбий Кенгаш аъзоси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар, 50-Лисунов сайлов округидан.

Воҳидов Нурдинбой Абдулазизович — Тўрақўрғон трактор-ремонт заводининг мастери, КПСС аъзоси, Тўрақўрғон районидаги Сайрам қишлоғи, Наманган область 263-Тўрақўрғон сайлов округидан.

Воҳидов Эркин — В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлимининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона область 418-Ғайрат сайлов округидан.

Гатаулин Шамиль Қодирович — халқ депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро область 203-Шофиркон сайлов округидан.

Горностаев Александр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Навоий шаҳри, Бухоро область 176-Навоий сайлов округидан.

Грабилин Валерий Григорьевич — Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё область 350-Октябрь сайлов округидан.

Гребешков Константин Васильевич — «Узхладторгмонтаж» ремонт-монтаж бошқармасининг электромеханиги, Қарши шаҳри, Қашқадарё область 207-Ленин сайлов округидан.

Гришчук Владимир Гаврилович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент область 116-Олмазор сайлов округидан.

Гусаков Николай Иванович — халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, «Агропромсоюз» раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент область 96-Назарбек сайлов округидан.

Даминов Қўзибой — Тошлоқ районидаги К. Маркс номли колхоз правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Тошлоқ районидаги Холматобод қишлоғи, Фарғона область 437-Заркент сайлов округидан.

Данченко Юрий Васильевич — «Фарғонаоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 399-Саноат сайлов округидан.

Деҳқонов Болта — Ромитан районидаги Октябрь 50 йиллиги номли совхоз бригадири, Ромитан райони, Бухоро область 198-Ғазли сайлов округидан.

Догонкин Пётр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона область 440-Ғаниобод сайлов округидан.

Ембергенов Ордабой — Мўйноқ районидаги «Ленин хотираси» колхозининг раиси, КПСС аъзоси, Мўйноқ райони, Қорақалпоғистон АССР 484-сайлов округидан.

Бокуда миллий негизда иллгари жиноят қилганликда шубҳаланган тўрт киши қўлга олинган. Шу бугунга қадар январь тартибсизликларида фаол қатнашган кишилардан ҳаммаси бўлиб 189 киши қўлга олинган.

Маҳаллий газеталар редакцияларига ва Боку шаҳри комендантининг бошқармасига мамлакат бошқа регионларидан турли миллатлардаги ҳарбий хизматчилардан ҳамон хатлар келиб турибди. СССР Ички ишлар министрлигининг Озарбайжондаги муваққат матбуот марказининг раҳбари А. Тацитов ТАСС мухбирига Хабаровскдан келган телеграммани кўрсатди. Унда Қизил Байроқ орденли Тинч океан флотининг Озарбайжон ҳарбий авиаторлари ўз қариндош-уруғлари ва яқинларига, Озарбайжон диёрида яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакилларига мурожаат қилишган. Мурожаатномада экстремист гуруҳларнинг бебошлигига йўл қўй масликка, озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги можарони тўхтатиш учун барча ишларни қилишга даъват этилган.

Байкалорти ҳарбий округидан озарбайжон ва арман ҳарбий қурувчилари уларнинг қисмларига она юртларидан «эмиссарлар» келишганини хабар қилишди. Ҳарбий қурувчиларнинг мактуби «Боку» газетасида эълон қилинди. Улар солдатлар ўртасида миллатлараро нифоқ солишга уринишган. Байкалорти жангчилари ўз юртдошларини фитналарга учмаслик ка, барча кўринишдаги экстремист ва миллатчиларга зарба беришга чақирдилар.

(ТАСС махсус мухбири).

ДУШАНБЕНИНГ БУГУНГИ КУНИ

Тожикистон

Эрта тонгда шаҳарликларнинг кўпчилиги юмушларига шошишади. Саноат корхоналарининг иши аста-секин ўз маромига тушмоқда. Республика халқ хўжалиги кўрган зарарни аниқлаш давом этмоқда. Министрликлар ва идоралардан олинган расмий маълумотларга кўра, 13 февралдан 15 февралгача бўлган давр мобайнида Душанбенинг ўзидагина 17 миллион сўмликдан ортиқ зарар етказилган.

ТАСС мухбирларига СССР Ички ишлар министрлигининг Тожикистон ССРдаги муваққат матбуот марказида хабар қилишганидек, заргарлик магазинини талон-торож қилишда қатнашганлардан бири 13 минг сўмлик ўғирланган қимматбаҳо буюмларни кўнгилли равишда топширди. «Таджикювелирторг» республика идорасига уйиқитлар натижасида етказилган умумий зарар 1 миллион 362 сўмни ташкил этди.

Шаҳарда омон қолган газета дўконлари рўпарасида эрталабдан одамлар гавжум. Улар янги газеталарнинг ҳар бир сатрини диққат билан ўқишмоқда. Газеталарда Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг жамоат тартибига ва граждаилар хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган.

Ҳозирча алоқа узеллари ва почта бўлинмалари ишини аниқ ташкил этишга муваффақ бўлинмаяпти. Тартибсизликлар натижасида Тожикистон пойтахтида учта алоқа бўлими зарар кўрди. 6 та газета дўкони ёқиб ташланган, бошқа кўпгина дўконларнинг ойналари чилчил қилинган. Беш киши ўз жойида калтакланган. Айрим алоқа ходимлари кўчадаги тартибсизликлардан азият чекишган. Уларнинг ҳаммаси бугунги ишга таъсир этмай қолмайди. Хизматчиларнинг ҳаммаси ҳам ишга чиқишга журъат қилавермаяпти. Шаҳарнинг бир қанча районларида аҳолининг ўзи хат-ҳабарларни эълтиб беришни йўлга қўйди.

Телефон станцияларида кескинлик камаймаяпти. Бу ерда одамлар бошқа шаҳарлардаги қариндош-уруғларига қўнғироқ қилишга ошиқишмоқда. Телеграммаларни жўнатишда ҳам қийинчиликлар бор.

Кундуз куни шаҳар пассажир транспорти ишлаб турибди. Бироқ қоронғи тушиши биланоқ ҳайдовчилар ўз машиналарини автопаркка олиб бориб қўйишга шошилишмоқда. Комендантлик соати бошлангунига қадар улар уйларига етиб олишлари керак...

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАСС махсус мухбири.

Халқаро воқеалар

Австралияликлар Амурда

Хабаровск ўлкаси. Жанубий ярим шарда ёз чилласи, айни шу кезда бир гуруҳ австралиялик кинематографчилар Совет Узоқ Шарқида 30 градуслик изғиринда СССРдаги қайта қуриш тўғрисидаги фильмни суратга олишмоқда. «Қизил экспресс» деб аталувчи мазкур ярим соатлик ҳужжатли лентани Австралиянинг «Капчед лайв продакшнс» компанияси ва Совет — Америка «Старт» қўшма корхонаси ҳамкорликда яратмоқда.

Картина директори Алексей Дрогайцевнинг маълум қилишича, «Қизил экспресс» фильми 1990 йилда экранга чиқади. Уни СССР ва Австралия телетомошабинлари кўрадилар.

СУРАТДА: кинооператор Питер Лесли ва овоз оператори Гунтис Секз Амурда қишки балиқ овини суратга туширмоқдалар.

И. ШАГАУТДИНОВ сурати (ТАСС фотохроникаси).

БОЛГАРИЯ

Сиёсий раҳбарлар билан маслаҳатлашув

Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси П. Младенов умуммиллий тусдаги энг етилган муаммоларни ҳал этишнинг ўзаро мақбул йўлларини белгилаб олиш мақсадида мамлакатдаги асосий сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан маслаҳатлашувни бошлади.

Масалаларнинг учта гуруҳи — мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга баҳо бериш, тангликдан чиқиш йўлларини излаш ҳамда Болгария Халқ Республикасида бундан буёнги демократик ўзгаришларни амалга оширишга турли партияларнинг қарашлари музокаралар марказида турибди.

●

ВЕНГРИЯ

Сайловолди кампанияси

«Жамоат хавфсизлиги мустаҳкамланси!», «Жамиятда тартиб ўрнатилсин!» — Венгрия Давлат Кенгашига 25 март куни сайлов ўтказиш белгиланганн муносабати билан шу кунларда бутун Венгрияда ўтаётган кўп сонли митинглар ана шундай даъватлар тобора тез-тез эшитилмоқда.

Турли партияларнинг сайлов бюроларига ҳужум қилиш ҳоллари кўпайганлиги, одамлар ва бутун-бутун ташкилотларни ҳақоратлаш ва уларга ҳужум қилиш ҳоллари муносабати билан Венгрия парламентига сайлов арафасида жамиятдаги тартиб, партияларнинг тинч рақобати тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бундай ҳоллар, деб таъкидлайди матбуот, эркин сайловлар ўтишининг ўзини, сайлов кампаниясида партияларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини хавф остига қўяди.

●

РУМИНИЯ

Тартибсизликларнинг ташкилотчилари қораланмоқда

Якшанба куни Руминия ҳукумати биносига кириб ур-йиқит қилган 100 дан ортиқ ўтакетган безорн ушланди, деди Бухарестда ўтказилган матбуот конференциясида мамлакат ички ишлар министрининг ўринбосари Ж. Молдован.

Ҳукумат биноси олдидаги тартибсизликлар илгаридан обдон ўйлаб, яхши уюштирилган ҳаракат эди, деди ТАСС мухбирига Миллий нажот фронти раҳбарларидан бири С. Брукан.

(ТАСС).

ХИТОЙ

Ли Пэн миллий масала тўғрисида

«Регионал мухторият» Хитойнинг миллий масалалар бутун комплексини ҳал этишга асосий ёндашуви бўлиб қолмоқда. ХХР Давлат Кенгашининг бошлиғи Ли Пэн миллий ишлар юзасидан Пекинда иноҳоясига етган кенгашда шу ҳақда гапирди.

Хитой ҳукумати бошлиғи ўз нутқида ХХР миллий сиёсати Хитой Компартиясининг кўп йиллик тажрибасига асосланаётганлигини таъкидлади. «Ушбу сиёсат Хитойдаги шарт-шароитларга тўла жавоб беради ва энг мақбул йўл ҳисобланади», — деди Ли Пэн. У кенгаш қатнашчиларини кам сонли миллатларнинг қонуний ҳуқуқларини ва уларни иқтисодий ривожлантиришни ҳар томонлама рўёбга чиқаришга эришиш йўлида ҳаракат қилишга чақирди. Нотиқнинг сўзларига қараганда, миллий бирликни қўллаб-қувватлаш, мамлакатни бўлиб юборишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши изчил кураш олиб бориш бу ишнинг энг асосий мақсади бўлиши керак.

(ТАСС).

Янгиликни шарҳлаймиз

ДЎСТЛИК МАСКАНИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Максим Горький номидаги рус Академик драма театри коллективининг қурилаётган бинони миллатлараро театр учун бериш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб чиқарган қарорини маданият аҳли, халқимиз қайта қуриш изланишн сифатида кутиб олди.

Мухбиримиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология бўлимининг масъул ходими З. А. ҲАКИМОВ билан учрашиб, унинг ташаббус ва қарор аҳамияти тўғрисидаги фикрларини ёзиб олди.

АВВАЛО, бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак, — дейди, З. А. Ҳакимов. — Ташаббус ҳақидаги фикрга даб-дурустдан келингани йўқ. Биласиз, Ўзбекистон Компартияси ўзининг сайловолди ҳаракат дастурида марксизм-ленинизм ғояларига, социалистик қурилиш ишига, интернационализм принципларига, барча миллат ва элат меҳнаткашларининг дўстлиги ва қардошлигига муттасил содиқлигини билдирди. Худди шу ҳужжатда кўзда тутилганидек, ҳозир жумҳуриятимизда ижодкор зиёлиларнинг барча соғлом кучларини жипслаштириш, бирлаштириш, яқин ўтмишда зиёлилар билан узилиб қолган мулоқотни тиклаш, ҳурмат-эҳтиром муносабатларини йўлга қўйиш, қўпқиррали ўзбек маданияти ва санъати барча йўналишларининг фаоллиги ўсиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида керакли ишлар қилинянти. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистонда яшайдиган миллатлар маданий эҳтиёжларини қондириш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, республика министрликлари ва идораларининг иши тўғрисидаги қарорида белгилаб берилган вазифалар ҳам масъулият ва фаоллик билан амалга оширилмоқда.

Ана шу ҳаракат дастури ва қарорни ҳаётга татбиқ қилар эканлар, ижодий зиёлиларимиз ўзларидаги халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга масъулият туйғусини янада чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Худди шу маънода Максим Горький номидаги рус Академик драма театри коллективининг ҳиммати диққатга сазовордир.

Жумҳуриятимизга худди шундай театр керак эди. Масалан, ҳозир Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 32 профессионал театрнинг 22 таси областларда ижод қилади. Улар истаган вақтларида Тошкентга келиб, ўз спектаклларини кўрсата олмайди. Бу ердаги саҳналар банд бўлади. Пойтахт аҳолиси эса областларда намойиш этилаётган асарлардан хабардор бўлиб туришни, уларни томоша қилишни хоҳлайди. Янги театр иш бошласа, биринчи навбатда мана шу эҳтиёж қондирилади.

Иккинчидан, жумҳуриятимизнинг миллатлараро маданий маркази, анча йиллардан бери ишлаб келаётган, ўз сафига турли миллат кишиларини уюштирган ўндан ортиқ бадиий коллектив, шунингдек, маданият марказларига ҳам худди шундай имконият, яъни саҳна, зал зарур эди. Энди улар фаолиятини давом эттиришда, ўз ижрочиликларини кўрсатишда, учрашувларини ташкил этишда қийналмайдилар.

Янги театр мамлакатимиздаги машҳур театрлар ва бадиий коллективларни Тошкентга таклиф қилиб, танишиб туришда, санъатларидан бахраманд бўлишда қулайлик яратади. Шуни айтиб ўтиш керакки, театр фақат саҳна санъати ижодкорларининг севимли макони бўлиб қолмайди. Бу ерда концертлар, учрашувлар, ижодий кечалар ҳам бўлиб туради. Ҳатто рассомларнинг асарлари кўргазмасини уюштириш мумкин. Тошкентда ўтказиладиган турли халқаро, республика фестиваллари, кўрик-конкурсларнинг худди шу ердан бошланиши кутилади.

Театрга Наврўз номи берилиши бежиз эмас. Маълумки, Наврўз янгиланиш, ҳамжиҳатлик, яқинлашиш рамзи. Наврўз айёмида кишилар бир-бирлари билан кўришиб, дийдорлашиб, дилдан суҳбат қурадилар, бир-бирларига меҳр-оқибат улашадилар, ўй-режаларини ўртоқлашадилар, бамаслаҳат янги меҳнат мавсумига отланадилар. Ажаб эмаски, янги театр ҳам бадиий коллективлар ва санъаткорлар ҳаёти, ижодида янгиликлар яратишга, турли республикаларда, турли шаҳарларда ижод қиладиган маданият аҳлини янада яқинлаштириб, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликларни кучайтиришга, ўзаро тажриба алмашишга, ўзбек совет маданиятини юксалтиришга, энг муҳими, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшса.

НАВРЎЗ театри мамлакатимизда қалдирғоч, яъни биринчи театр бўлади. Шундай экан, унинг масъулияти ҳақида ҳозирдан ўйлашимиз керак. Биринчи галда театрни мўлжалдаги вақтда — келгуси йили ишга туширишга эришишимиз лозим. Бу иш асосан «Главташкентстрой» қурувчилари зиммасига тушади. Ишончимиз комилки, байналмилал тарбияни янада яхшилашда, республикамизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг маданий бойликларини ривожлантиришда ва шу бойликлардан ҳаммани баҳраманд этишда катта роль ўйнайдиган театрни шаҳримизга муносиб қилиб қуриб беришда улар ўз куч-қувватларини, тажрибаларини аямайдилар.

Муҳим мавзуда мулоқот

ТАРИХ-ЭНГ ОЛИЙ ҲАКАМ

Суҳбатдошимиз — Бўривой АҲМЕДОВ

Беруний мукофоти лауреати таниқли шарқшунос, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан арбоби Бўривой Аҳмедовнинг «Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан» (1962); «Кўчманчи ўзбеклар давлати» (1965), «Балх тарихи» (1982); «Ўрта Осиёнинг XVI—XVIII асрлар тарихий-жуғрофий адабиёти» (1985), «Навоий замондошлари хотирасида» (1986), босмага топширилган «Ўзбекистон тарихи манбалари» каби кўплаб асарлари ўзбек тарихи манбашунослигининг қимматли намуналаридандир. Аллома тўрт жилдлик «Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», «Улуғбек даври фани тарихидан», «Ўрта ва Марказий Осиё тарихидан материаллар» сингари мажмуаларнинг фаол муаллифларидан биридир. Яқинда Бўривой ака ўзининг кўп йиллик меҳнати — «Улуғбек» эссесини ёзиб тугаллади ва нашр этилди.

Қуйида олим билан қилинган суҳбатни ўқийсиз.

— Бўривой ака! Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия шарофати билан тарихга, ўтмиш маданий меросга, жамики маънавий қадриятларимизга муносабат ҳам ўзгарди. Аммо қилинаётган ишлар кўламидан қаноат ҳосил қилолмаяпмиз. Тарих билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни мактабдан бошлаш зарур дедик. Ўқув даргоҳларида тарихдан имтиҳонлар бекор қилинди. Бир йил ўтар-ўтмас яна қайта тикланди. Ваҳолонки, ўтган бу муддатда ҳеч нарса ўзгариб қолгани йўқ. Сифатли дарслик ва қўлланмалар тайёрлаб улгурмадик. Тарих ўқитишни яхшилай олмадик, мутахассислар тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Шу маҳалгача йўл қўйилган хато-камчиликлар камлик қилгандай, нуқсонлар баъзан янада қўполроқ тарзда давом этмоқда.

— Гапингизга қўшиламан, Шодмонбек. Тарихдан имтиҳон олмай, суҳбат ўтказилса ҳам бўларди. Эндиликда тарих дарсликларини тамоман қайтадан ёзишга тўғри келади. Бу ҳақда илгариги суҳбатимизда ҳам тўхталган эдик. Ўтмиш тарихимиз дарсликларда кўп ўринларда бир тарафлама ёритилган, кўп воқеа ва масалалар ёритилмаган, тарихий шахслар ва уларнинг фаолиятига баҳо беришда бугуннинг андозаси билан иш тутганмиз. Шунинг учун ҳам аввалги дарсликлар энди ярамайди. Янгисини ёзишга тўғри келади. Бу хусусда Москвада ҳам, Тошкентда ҳам махсус йиғилишлар бўлди, мўътабар идораларнинг қарорлари чиқди. Афсуски, гап гаплигича, қарор қарорлигича қолиб келяпти. Халқ таълимига раҳбарлик қилиш зиммасига юклатилган идоралар тарих бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйганга ўхшайдилар. Исбот учун иккита мисол билан чекланаман.

Биринчи мисол. 1985 йилнинг 4 октябрида республика маориф министрлиги 7—8 ва 9—10 синфлар учун «Ўзбекистон ССР тарихи» (фикримча, «Ўзбекистон халқлари тарихи» ёки «Ўзбекистон тарихи» дейилса тўғри бўларди) дарслигини яратиш ҳақида махсус буйруқ чиқарди ва муаллифлар коллективини тасдиқлади. 7—8 синфлар дарслиги тарих фанлари доктори, профессор Б. А. Аҳмедов, педагогика фанлари номзоди Н. М. Ремеев ва Тошкентдаги 91-мактабнинг методист ўқитувчиси З. М. Хлизовага топширилди. Лекин иш бошидаёқ Ремеев Хлизовани муаллифликдан чиқариб ташлади, иш ярмидан ошганда эса навбат менга келди. Кейинчалик Ремеев (у Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида лаборатория мудири бўлиб ишлар экан) «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1988 йил сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида чиққан сонларида «7-синфда Ўзбекистон ССР тарихи дарслари»ни ўз номидан эълон қила бошлади. Бунисига ҳам майли дея қўл силташ мумкиндир, аммо у тузган дарсликларнинг сифати талаб даражасида эмаслигини кўрабила туриб индамаслик лоқайдликдан бошқа нарса эмас. Ремеев тарих, археология, этнография, антропология, манбашунослик, тилшунослик, география ва бошқа ижтимоий фанларнинг ютуқларини тўла ҳисобга олмаган. Иккинчидан, дарсликда жиддий илмий хатолар бор. Учинчидан эса дарсликлар русчадан нўноқлик билан таржима қилинганҳ туфайли ғализликлар талайгина, шундай жумлалар борки, ундан муаллифнинг нима демоқчилигини англаш қийин. Шахсий ва жуғрофий номлари ҳамда терминларни бузиб ёзиш ҳоллари бор, баъзан у ёки бу воқеанинг санаси нотўғри кўрсатилган. Бу дарслик ҳақида алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

— Шу ўринда дарсликнинг асосий хато-нуқсонларини эслатиб ўтсангиз. Юртимиз, халқимиз тарихи билан боғлиқ масалага бефарқ қарай олмаймиз.

— Жиддий хатолардан баъзилари: 1. «Ўзбекистон территориясида синфий жамиятнинг пайдо бўлиши» деган дарсда («Ўқитувчилар газетаси», 5. X. 1988), биринчидан, бу жамиятнинг пайдо бўлиш жараёни очилмаган, иккинчидан эса шу даврда пайдо бўлган давлатларнинг «марказлашган давлат» деб аталиши ҳақиқатдан йироқ. 2. «Қушонлар давлати» деб аталган дарс ҳам бўш ёзилган. Бу ерда шу давлатга асос солган юэчжилар («дарслик»да ЮЭЧНЕП ёзилган) ҳақида гап боради. Улар ҳақида фақат «бешта қабила ўюшмасидан иборат эди» дейиш билан кифояланади. Юэчжилар кимлар, ўша беш қабиланинг номи нима, улар Ўрта Осиёга қаердан келиб қолган — бу сволларга жавоб йўқ. 3. «Ўзбекистон территориясида биринчи феодал давлатлар» дарсида эфталитлар ва турклар тилга олинади. Лекин улар аслида кимлар — бу ҳақда гап-сўз йўқ. 4. «Араблар ҳокимиятининг битирилиши ва Сомонийлар давлатининг таркиб топиши» деган дарсда ўзбек халқининг шаклланиши хусусида қўпол хатога йўл қўйилади. Муаллиф «Қадимий эрон тилли аҳоли ўзбек халқининг шаклланишига асос бўлди» деб даъво қилади. Аслида таъсир икки томонлама бўлган. Буни биз тарихчилар яхши биламиз. Бу ҳақда машҳур тарихчи олим, академик Б. Ғафуровнинг «Таджики» номли китобида (Москва, 1972, 371 саҳифа) маълумот бор.

Дарсликда англаш қийин бўлган жумлалар, шахсий ва жуғрофий номлар ҳамда терминларнинг бузиб ёзиш ҳоллари тез-тез учрайдики, бу ҳақда тўхтаб ўтирмайман. Айрим ўринларда воқеаларнинг содир бўлган вақти нотўғри кўрсатилгэн. Масалан, Сомонийлар давлатининг инқирози 973 йил — Мансур ибн Нуҳнинг тахтдан туширилиши билан юз берди дейилган. Бу тамоман нотўғри фикр. Сомонийлар орасида иккита Мансур ўтган. Бу давлатнинг инқирози 1005 йили содир бўлган. Муаллиф Ўрта Осиёнинг Турк ҳоқонлиги таркибига кирган вақтини XI аср деб айтади, аслида воқеа бундан 600 йил аввал — V асрда содир бўлди.

Мен Ремеевни яхши биламан. У тажрибали методист, лекин тарихшунос эмас.

— Олий ўқув юртлари учун мўлжалланаётган дарсликлар ҳақида нима дея оласиз?

— Яқинда бир гуруҳ ўртоқларнинг республика халқ таълими раҳбарларидан бири, фалсафа фанлари номзоди Ю. И. Каплун бошчилигида олий ўқув юртларига мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» дарслигини ёзишаётганидан хабар топдим. Афсуски, бу муаллифлар коллективи сараланмаган, уларнинг орасида ўзларига ёзиш топширилган давр бўйича мутахассис бўлмаганлари ҳам бор.

Хўш, бу аҳволда тарихни ўқитиш ва ўргатишни йўлга қўйиб бўладими? Албатта йўқ! Сир эмаски, илмнинг пойдевори мактабда қўйилади. Пойдеворнинг пишиқ ёки мўрт бўлиши кўп жиҳатдан дарслик ва қўлланмаларнинг сифатига боғлиқ. Бошқа китобларда айрим хатолар ўтиб кетгудай бўлса чидаш мумкиндир, лекин дарслик ва ўқув қўлланмалари хатодан холи бўлиши зарур. Халқ таълимимиз раҳбарлари, «Ўқитувчи» нашриёти буни ҳисобга олиши керак.

— Қайта қуриш снёсатининг муҳим тадбирларидан бири давлат аппаратларини қисқартириш ва такомиллаштиришдир. Умумий тараққиётимизга ғов бўлиб турган маъмурий-бошқарув муассасаларининг ҳаддидан кўплиги танқид қилинаётган бўлса-да, улардан ҳамон қутулолмаяпмиз. Халқимизда «Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар» деган нақл бежиз айтилмаган. Сиздан тарихчи олим сифатида сўрамоқчи эдим: ўтмишда ҳам давлат аппарати шунақа катта бўлганми?

— Йўқ, албатта. Масалан, энг тараққий этган феодал давлат — Сомонийлар давлатида (819—1005) бор-йўғи ўнта девон (министрлик) бўлган. Мана уларнинг номлари: Девони вазир (давлатнинг маъмурий сиёсий ва хўжалик фаолияти устидан назорат қилган, Девони Омид Улмулк (дипломатик алоқаларни бошқарган) Девони Муставфий — (кирим-чиқим ишларини бошқарган), Девони Соҳиб ашшурат (қўшинларнинг таъминотига қараган), Девони Соҳиб албарид (алоқа ишларини назорат қилган), Девони Мухтасиб (бозорда тошу тарози, нарх-наво ва мусулмонларнинг шариат қоидаларини бажаришлари устидан назорат қилган), Девони Мушриф (давлат ишлари, хусусан кирим-чиқим ишлари қандай бажарилаётганини назорат қилган). Яна, давлат ерларини бошқарувчи, қозилик ва вақф ерларини тасарруф этувчи девонлар бўлган.

Темурийлар давлатининг (XV аср) тузилиши ҳам шунга ўхшаш.

Пётр I (1682—1725)нинг давлати ҳам 10 та коллегиядан ташкил топган. Ҳар бир коллегияда 11 киши: президент, вице-президент, 4 нафар маслаҳатчи, 4 та ассесор ва бир котиб хизмат қилган. Биздачи? Давлат аппарати ҳақиқатан ҳам жуда катта. Министрларни қўятуринг, биргина СССР Министрлар Совети Раисининг 13 та ўринбосари бор. Меҳнаткашнинг топганини кўпдан-кўп министрликлар, бошқармалар ва турли даражадаги мансабдорларни боқишга сарфлаб юрибмиз.

— Фанда устоз-шогирдлик масаласига қандай қарайсиз? Шогирдларни қандай танлайсиз? Улардан кўнглингиз тўқми?

— Устоз-шогирд масаласи нафақат илмда, балки умуман ҳаётда муҳим масала. Менинг кўпгина манбашунос шогирдларим бор. Улар республикамизда, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, шунингдек хорижий мамлакатларда унумли меҳнат қилишяпти. Уларнинг кўпчилигидан кўнглим тўқ — ҳаракатчан, меҳнаткаш йигит-қизлар. Тўғри, беш қўл баробар эмас, гоҳо ношукурлари ҳам учраб қолади.

Мен бир умр қўлёзма китобларни мутолаа қилиш билан машғулман. Шогирд танлаганда уларнинг шарқ тиллари бўйича билими, қўлёзма китоблар ўқишда малакаси, сабр-тоқатлилиги ва меҳнаткашлигига эътибор бераман.

— Ўтмишда воқеаларни ёзиб борувчи солномачилар бўлган. Ўтмиш — тарихни ўрганишда улар қолдирган ёзувлар қимматли манба ҳисобланади. Фарғона воқеалари ёритилган матбуот материалларини йиғиб, алоҳида папкага жамлаб қўйдиму ўйлаб қолдим: булар ана шундай манба вазифасини ўтай олмайди-ку! Марказий матбуотда анчадан буён Ўзбекистонни, ўзбек халқини камситувчи, бирёқлама мақолалар чоп қилинмоқда. «Огонёк» журналида эълон қилинган «Қўланка» мақоласи дард устига чипқон бўлди. Жумҳурият қалам аҳли, кенг жамоатчилик ҳақли равишда бунга қарши норозилик митинги ўтказишди.

— Биз мутахассислар маҳаллий матбуотга манба сифатида, манба бўлганда ҳам муҳим тарихий манба сифатида қараймиз. Шундай экан, у қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, ҳақ гапни ёзиши, фактларни бўямасдан акс эттириши керак. Минг афсуски, марказда чиқаётган газета ва журналларнинг айримлари ўзбекларга маломат тошини отишяпти. Мана яқинда «Огонёк» журналининг шу йил 29-сонида Анатолий Головковнинг сиз юқорида эслатган қуруқ туҳматдан иборат мақоласи босилди. Гўёки ўзбеклар «Руслارни сўямиз! Улар Ўзбекистондан чиқиб кетишсин. Уларни осиш керак!» дейишаётган эмиш. Мақолани ўқиб юрагим ларзага келди.

Минг-минглаб ўзбек ўғлонлари 1941—1945 йиллар Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ўлкаларни озод қиламан деб ҳалок бўлдилар. Мен ўшалар қаторида Сталинград, Курск остонасида, Украина ерларида жанг қилиб, тўрт марта ярадор бўлганман. Ўзбекистон ўша йиллари Россия, Украина, Белоруссия ва Кавказдан кўчириб келтирилган минглаб одамларга, етим-есирларга ўзининг иссиқ бағрини очди, фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, ҳарбий ашё билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Ўзбеклар ва тожиклардай бағри кенг, меҳмондўст халқнинг дунёнинг яна қайси бурчагидан топса бўлади? Генерал Дидоренко ва А. Головковга ўхшаган кимсалар буни билишмайдими? Бундайларни тартибга чақириб қўйиш зарур.

— Бўривой ака! Энди бир-икки оғиз шу кунларда қандай мавзу устида иш олиб бораётганингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳозир бир гуруҳ манбашунослар билан бирга ўзбекларнинг этник таркиби ва тарихига оид манбаларни (улар араб, форс, туркий ва хитой тилларида) ўрганиш, уларнинг таркибидаги муҳим маълумотларни тўплаб таржима қилиш ҳамда тўплам шаклида («Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи бўйича материаллар» деб аталади) нашр қилиш устида иш олиб бораяпмиз. Мўлжалимизча, асар 3—4 жилддан иборат бўлади. Улуғбек ҳақидаги китобим босмадан чиқди. Шу жанрда яна бир қанча асарлар ёзиш ниятидаман. Маҳмуд ибн Валининг ғаройиб ҳаёти, Пекин губернатори Маҳмуд Яловочнинг тақдири мени кўпдан қизиқтириб келади.

Шунингдек, яқинда ЮНЕСКОда чиқадиган тўрт жилдли «Марказий Осиё маданияти тарихи» учун «Чингизхон ва унинг авлоди замонида Марказий Осиё» деб номланган бобни ёзаяпман. Саломатлик бўлса, эзгу ниятлар бисёр.

— Бўривой, ака! Ана шу эзгу ниятларингиз ҳамиша сизга йўлдош бўлсин, хайрли, савоб ишларингиз рўёбга чиқаверсин.

Шодмонбек ОТАБОЕВ суҳбатлашди.

«ТОҒЛАР—МЕНИНГ ТАСВИРИМ»

Рассом Иван Ильич Хрипченконинг миллати украин, у Днепропетровскда туғилган. Ҳаваскор рассом сифатида мўйқаламини ўша ерда қўлга тутган, ўша ерда илк ишларини, аниқроғи, машқ асарларини дўстларига, устоз-муаллимларига кўрсатган.

Рассомнинг кейинги йиллардаги ҳаёти Ўзбекистон билан боғлиқ. У ҳозир Сурхондарё областининг Сариосиё райони марказида яшайди, тасвирий санъат устахонасига раҳбарлик қилади. Унинг картиналарида кўпроқ сурхон тоғлари акс эттирилади. «Бунинг рамзий маъноси бор, — дейди рассом, — гап шундаки, мен тоғлар мисолида инсоний баркамолликни, камолотни, гўзалликни кўраман. Одамлар энг аввало маънавият ва диёнатда баланд бўлиб юришларини истайман».

Ижодкорнинг ўттиз йил давомида яратган асарларини сариосиёликлар маданий мулкимиз, дейишади, фахр билан. Йирик кўргазмаларда иштирок этмаган бўлсада, рассом ўз асарларини мунтазам равишда сурхондарёликлар назарига ҳавола қилиб туради.

Суратда рассом И. И. ХРИПЧЕНКО ўз ижодхонасида.

Р. ШАҒАЕВ сурати (ЎзТАГ).

Ҳодиса

КУНЛАРДАН БИР КУН...

● НАМАНГАН. Совуқ изиллатиб турган кунлардан бирида чўпон Давлат ака Қўнаров яйловида нохуш воқеа содир бўлди. Кутилмаганда қўй-эчкилар тўрт тарафга тирқираб қоча бошлади. Бўри подага ҳужум қилганди. Чўпон ўзини йўқотмай, бўрибосар итларини ишга солди. Ўртада жанг бошланди. Бўрининг қулоғидан маҳкам олган бўрибосар йиртқични жилдирмай турарди. Давлат ака чўпон таёғи билан бўрининг калласига кетма-кет кучли зарб тушира бошлади. Бўри ҳолдан тойди. Поп районидаги «Чодак» совхозининг бош чўпони Давлат ака Қўнаров пул мукофоти билан тақдирланди.

Ҳ. НИШОНОВ.

● СИРДАРЁ. Бахмал районидаги «Ойқор» совхози қишлоқларида бўрилар оралаб қолди. Йиртқичларга қопқон қўйиш бошланди. Худойберди Тошбоев билан Тошмат Умматовлар «УАЗ—452» машинасида овга чиқишди. Улар бўриларга галасига дуч келишди. Довюрак йигитлар йиртқичлардан бирини машина билан уриб, майиб қилишди. Кейин чўлоқланиб қочаётган бўрини темир таёқ билан уриб, бир ёқлик қилдилар. Шунингдек, мазкур совхоз ишчиси Холтемир Йигитов ҳам ҳамқишлоқларини мамнун этди. У отилган бўри терисини тайёрлов идорасига топшириб, мукофотига 150 сўм пул олди.

А. ЭРГАШЕВ.

● ҚАМАШИ. Райондаги Фрунзе номли совхозда кекса овчи Ҳайиттўра Аминовни Чангакли овчи дейишади. Яқинда у қопқон қўйиб, бўрини қўлга туширди. Қизиғи шундаки, илинган ўлжани учта бўри таларди. Буни кўрган овчи таёғини ишга солди. Иккита бўри қочиб улгурди. Биттаси эса кетма-кет зарбдан гангиди. Овчи ҳолдан тойган йиртқични оёқ пайларини қирқиб юборди.

Совхоз маъмурияти кекса овчини мукофотлади.

Э. БОЙСУНОВ.

СПОРТ

СУЗИШ:

ЯНА БИР КУМУШ

● Римда ўтказилган жаҳон кубоги учун навбатдаги босқич мусобақаларида тошкентлик Сергей Заболотновнинг 100 метрга чалқанча сузишда кумуш медал олиши мухлисларни мамнун этган эди. У 200 метрга комплекс сузишда командадошлари муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиб, яна ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

САМБО:

ҚИЗЛАР БАҲСЛАШГАНДА

● Андижонда қизлар ўртасида дастлабки Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. «Ямбол» спорт комплексида 15—19 ёшли самбочилар соврин учун ўзаро баҳслашдилар. Уларнинг вазнлари 36 килограммдан 75 килограммгача эди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган самбочилар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Чунончи, Н. Пўлатова, С. Аҳмедова, Ш. Тошпўлатова, С. Апашева, Н. Куприян, Н. Колдузова, М. Житкова, О. Корейникова, Ю. Янкина, Е. Тереховалар дастлабки чемпионлар бўлишди.

КУРАШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

● Рязанда ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 65 килограмм вазнли қизлар қатори беллашган тошкентлик дзюдочи Ольга Воробьева учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

АКАДЕМИК О. С. СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК ХИМИЯ ИНСТИТУТИ

Физиологик актив бирикмаларнинг мураккаб органик синтези лабораторияси бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим («биология» ихтисоси бўйича), **кичик илмий ходим** («биоорганик химия» ихтисоси бўйича).

Конкурс муддати — 4 мартгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 83-уй.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва кооператорларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА КОРХОНАСИ

буюртмачи учун энг қулай вақтда СМ-1420,08 базасидаги АРМ-2-01.04 да

МАШИНА ВАҚТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Комплекс таркибига АП-7251 графатузгич, СМ-6404 графа маълумотларини қабул қилувчи қурилма, СМ-7316.01 графа экран пульти.

Бизнинг адрес: 700043, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 9-уй.
Телефонлар — 77-69-75, 77-82-07.

«УЗТРАНСУСЛУГИ» ЖУМҲУРИЯТ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

1950—60 йилларда чет элларда ишлаб чиқарилган

ТУРЛИ НУСХАЛАРДАГИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ

СОТИБ ОЛАДИ

Маълумотлар олиш учун телефон: 41-81-08.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«СОЮЗАГРОПРОМСИСТЕМА» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон бўлинмаси ВНИПТИ «АГРОПРОМСИСТЕМА» ТУГАТИЛДИ

Шикоятлар 18 мартгача ушбу адрес бўйича қабул қилинади: 700043, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй.

СССР Давлат чет эл туризми комитетининг «Средазинтурист» трести коллективи трестнинг лойиҳа-смета бюроси директори Х. М. Ҳакимовга онаси

Саидпошша МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» журнали редакция коллективи журнал ўзбек тилидаги нашрининг муҳаррири И Султоновга отаси

Иброҳим СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» идораси жамоаси «Ўзбекбирлашув» идорасининг собиқ раиси

Ҳилол Юнусович ЮНУСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Гулистон» журнали таҳрир ҳайъати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари журнал ходими А. Каримовга отаси

Ботир КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими жамоатчилиги, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилоти нашриёт директори А. Ҳ. Бобохоновга онаси

Карима БОБОХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04104. № 45. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12